

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2025 йил апрель ойининг 29-куни, Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик этувчи: суд раиси [REDACTED], судья ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, тарафлардан Тошкент вилояти Чиноз туман прокурори катта ёрдамчиси [REDACTED], судланувчилар [REDACTED] ва уларнинг манфаатида Тошкент вилояти, Чиноз тумани “[REDACTED]” адвокатлик фирмаси адвокати [REDACTED] иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан судланувчилар [REDACTED] оид №1-1115-2501/48-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Судланувчи [REDACTED] 1976 йил 22 январда, Самарқанд вилояти, Нуробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, 2015 йилда Тошкент Ирригация институтини тамомлаган, оилали, 3 нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, [REDACTED] бўлиб ишлайди

[REDACTED] яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда эҳтиёт чораси гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 31 январда олган, соғлом.

Судланувчи [REDACTED] 1979 йил 21 октябрда Сурхондарё вилояти, Қизирик туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, Тошкент Молия институтини тамомлаган, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Бандихон туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 179-моддаси, 192<sup>11</sup>-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 1 ойга озодликдан маҳрум қилинган ва жазони 2023 йил 5 октябрдан бошлаб ўтамоқда, Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманидаги “[REDACTED]” норасмий иш бошқарувчи бўлиб ишлаган, [REDACTED] яшайди, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2025 йил 21 январда ушланган ва суднинг 2025 йил 23 январдаги ажримига асосан эҳтиёт чораси қамокқа олиш қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 17 февралда олган, соғлом.

Суд, суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчилар [REDACTED] бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ўзлари фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни қалбакилаштириб ва ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланишиб, ўзларига ишониб топширилган ва



ихтиёрида бўлган ўзганинг жуда кўп миқдорда мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятларни қасдан содир қилишади.

Жумладан, [REDACTED] Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ туманида ташкил этилган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга раҳбарлик қилиб келиб ва [REDACTED] “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга норасмий иш бошқарувчи бўлиб, улар бир гуруҳ ҳолда олдиндан тил бириктириб, АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали томонидан 2021 йил 25 октябрда 36 ойга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 21 фоиз миқдорида, шундан 5 фоизини Тадбиркорлик жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш шарти билан жами 1.470.000.000 сўм кредит ажратилишига эришиб, ажратилган кредит маблағларини олдиндан тузилган жиноий режага асосан таъминотчилар “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, “Istara silver savdo” ХК, “Parkent Savdo center” МЧЖ ва “Eco polymer packets” МЧЖ ҳисоб рақамига тушириб, гўёки товар ва хизматлар кўрсатилганлигига оид сохта ҳисоб фактуралар расмийлаштирган ҳолда имтиёзли кредит маблағларини нақдлаштирилиб, ўз шахсий эҳтиёжлари учун ишлатиб, банкдан олинган жуда кўп миқдорда бўлган 1.470.000.000 сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шундай қилиб, улар АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиалига жами 1.470.000.000 сўм моддий зарар етказганлар.

Судланувчилар [REDACTED] ушбу жиноятларни содир этганлиги қуйидаги далиллар билан исботланади.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида, айбига тўлқи иқролиги, 2018 йилдан Тошкент вилояти, Чиноз туманидан рўйхатдан ўтган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари бўлиб ишлашлиги, МЧЖнинг юридик манзили Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙ, рақамсиз уй кўрсатилганлиги, Юқоричирчиқ туман ҳокимлигининг тегишли қарорига асосан унга 2018 йил август ойида 2 гектар ер майдони ажратилиб берилган бўлиб ва бу ерни 720 кв.м.га соғломлаштириш масканини (санатория) қурилишини бошлаганлиги, бинони фундамент қисми ва қаватларини ўзини маблағлари ҳисобига қурганлиги, бинонинг ички жиҳозларини сотиб олиш ва ташки фасад қисмини таъмирлаш учун пули бўлмаганлиги сабабли таниши Ғ.Бобоқулов унга қурилиш ишларини охирига етказиш учун 1.500.000.000 сўм кредит олиш кераклигини айтгани, шундан кейин [REDACTED] билан Юқоричирчиқ туман “Халқ банк” филиалига ариза билан мурожаат қилишиб ва 2021 йил 25 октябрда 36 ойга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 21 фоиз миқдорида, шундан 5 фоизини Тадбиркорлик жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш шарти билан жами 1.470.000.000 сўм кредит олишганлиги, кейин [REDACTED] қурилиш соҳасида ўзининг танишлари борлигини ва улар қурилиш молларини ҳамда мебель жиҳозларни сотиш ишлари билан шуғулланиб келишини айтиб, ўзига таниш бўлган фирмалардан товарларни олишга қизиқтирганлиги, шундан кейин [REDACTED] таклифига рози бўлиб ва унга ишониб, ўзининг номидаги “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга тегишли электрон калитини, муҳри ва бошқа ҳужжатларини бериб қўйганлиги, ўзи бошқа ишда ишлаб келаётганлиги сабабли [REDACTED] ишониб, уни иш бошқарувчиси этиб тайинлаб, бошқа ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, қурилиш ишлари 2022 йил май ойида бошланганлиги, қурилиш ва бошқа ишларга [REDACTED] ўзи бошчилик қилиб келганлиги, Ғ.Бобоқулов унга қурилиш ишларини кетаётганини айтиб турганлиги, дам олиш кунлари вақти бўлганда қурилиш ишларини кўриб турганлиги, [REDACTED] “Халқ банк” Юқоричирчиқ туман филиали томонидан унга қарашли “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга кредит учун ажратилган 1.470.000.000 сўмни ўзига



таниш бўлган таъминотчилар “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, “Istara silver savdo” ХК, “Parkent Savdo centre” МЧЖ, “Eco Polymer packets” МЧЖларга тушириб, улардан юкларни олиб келаётганини айтганлиги, қурилиш ишлари 2 йил давом этиб ва унга банкдан ажратилган кредитни график бўйича қарздорлиги юзага келганлиги, улар қурилиш ишларини кеч бошлаганлиги, вақтида ишлар ташкил қилинмаганлиги сабабли тўловга ночор бўлиб қолиб ва банк мажбуриятларини вақтида бажара олмаганлиги, шундан сўнг “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга банк ходимлари келишиб ва ажратилган кредитини мақсадли сарфланганлиги бўйича мониторинг ўтказишиб, олган кредити мақсадсиз сарфланганлигини аниқлашиб ва далолатнома расмийлаштиришиб, уни МЧЖни кредит қарздорлиги юзасидан судларга даъво аризалари киритишганлиги, шу вақтда ҳам унинг молиявий аҳволи оғирлиги сабабли кредит пулини қайтариш имкони бўлмаганлиги, унга тегишли “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ норасмий иш бошқарувчиси бўлган [REDACTED] ўзининг танишлари таъминотчилар “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, “Istara silver savdo” ХК, “Parkent Savdo centre” МЧЖ, “Eco Polymer packets” МЧЖларга ўтказиб берган бўлиб ва улардан товарлар қисман келганлиги, қолган товарлар олинмасдан қолиб кетганлиги, бироқ ҳисоботларда ушбу таъминотчилардан ҳақиқатда олинганлиги бўйича юк хатлари (счёт-фактура)ларни [REDACTED] унга бериб қўйган электрон калити орқали “ДИДОКС” дастуридан имзолаб берганлиги, шундан текширувда банкка товарларни ҳақиқатда олганлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжатларни тақдим қила олмаганлиги, барча ишларни [REDACTED] бажарганлиги сабабли банк пуллари туширилган таъминотчи “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, “Istara silver savdo” ХК, “Parkent Savdo centre” МЧЖ, “Eco Polymer packets” МЧЖларни манзили ва раҳбарларини билмаганлиги, Ғ.Бобоқуловнинг бирорта қурилиш ишларига аралашмаганлиги, [REDACTED] кредит пулини нақдлаштириб олмаганлиги, [REDACTED] ишониб ва уни назорат қилмаганидан шу ҳолатлар келиб чиққанлиги, шундан тергов даврида банкдан олинган 1.470.000.000 сўм кредит пулини тўлиқ қайтариб ва зарарни тўлиқ қоплаганлиги, қилмишидан пушаймонлигини билдириб ва жазо тайинлашда унга нисбатан енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] суд мажлисида айбига қисман иқрорлиги, илгаридан таниш бўлган [REDACTED] унга Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани ҳудудида санатория қураётганини, қурилиши тўхтаб қолганини, санатория биносининг 20-25 фоизи қурилганини, ушбу бинонинг қурилишига ёрдам беришини сўраганлиги, шунда [REDACTED] давлат ишида ишла юриб ва қурилиш ишларига тушунмаслиги сабабли унга қурилиш учун кредит олишини айтганлиги, С.Алиевнинг таклифига рози бўлиб ва унга кредит ҳужжатларини тўплашда ёрдам қилганлиги, [REDACTED] ўзи номидаги “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга Юқоричирчиқ туман “Халқ банки”дан 1.470.000.000 сўм кредитни олганлиги, шундан сўнг [REDACTED] “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга тегишли электрон калитини, муҳри ва бошқа ҳужжатларини унга бериб қўйиб ва ўзи бошқа ишда ишлаб келаётганлиги сабабли унга ишониб, уни иш бошқарувчиси этиб тайинлаб, ўзи бошқа ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, қурилиш ишларини 2022 йил май ойида бошлаганлиги, қурилиш ва бошқа ишларга ўзи бошчилик қилиб келиб, С.Алиевга қурилиш ишларини кетаётганини айтиб турганлиги, шундан “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга 1.470.000.000 сўм чиқарилган кредитни турли хил товарлар ва қурилиш моллари олиш учун С.Алиевни электрон калити орқали “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, “Istara silver savdo” ХК, “Parkent Savdo centre” МЧЖ, “Eco Polymer packets” МЧЖларга “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ ўртасида



тузилган шартномага асосан ўтказганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ ва “Qurilish saralash savdo” МЧЖ ўртасида 2021 йил 28 июлда № 4-сонли етказиб бериш шартномаси тузилганлиги, ушбу шартнома бўйича “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга 300.000.000 сўмлик қурилиш моллари ва бошқа товарлар етказиб берилганлиги, ушбу товарларни унинг топшириғи билан “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ номига ўзига қарашли бўлган Тошкент шаҳрида жойлашган “Кўйлик” деҳқон бозоридан “ГАЗЕЛ” ва “ЛАБО” русумли автомашиналарда олиб келганлиги, ушбу товарларни усталар билан бирга ўзи қабул қилиб олганлиги, С.Алиев молларни қабул қилишда қатнашмаганлиги, С.Алиев давлат ишида бўлганлиги сабабли дам олиш кунлари келиб ва қайси жамиятдан ва қандай юклар келаётганлигидан хабардор бўлиб турганлиги, “Istara silver savdo” ХК раҳбари Ф.Пояновни танишини, у унинг аммасининг ўғли бўлиши, ундан “Акфа” дераза ромлари ва пластик эшиклар олинганлиги, [REDACTED] ишдан келиб ва ўрнатилган пластик ромларни ва эшикларни текширганлиги, “Istara silver savdo” ХКдан жами 200.000.000 сўмлик товарлар олинганлиги ва объектга етказиб берилганлиги, шунингдек, “Parkent Savdo centre” МЧЖ ва “Parkent Savdo centre” МЧЖ ўртасида 2021 йил 29 июлда № 170-сонли етказиб бериш шартномасига асосан товарлар шартнома бўйича бўлиб-бўлиб етказиб берилганлиги ва охириги товарлар 2021 йил 30 декабрда юборилганлиги, бу МЧЖдан 204.000.000 сўмлик товарлар олинганлиги ва “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга қарашли бўлган қурилиш объектига етказиб берилганлиги, “Eco Polymer packets” МЧЖ, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ ва “Eco Polymer packets” МЧЖ ўртасида 2021 йил 20 октябрда №11/23-сонли етказиб бериш шартномаси тузилиб ва ундан 766.000.000 сўмлик қурилиш моллари олинганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари [REDACTED] тегишли бўлган электрон имзодан шартномаларни “Дидокс” электрон савдо платформасидан тасдиқлаш мақсадида умуман фойдаланмаганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖда расмий фаолият кўрсатмаганлиги, ундан ойлик иш ҳақи олмаганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари [REDACTED] илтимосига кўра қурилиш ишларига тушунганлиги сабабли ёрдам берганлиги, [REDACTED] унга ёрдами эвазига пул бериб турганлиги, кредит пуллари нақдлаштирмаганлиги, пул ўтказилган айрим қурилиш моллари учун юк хатлари олинмасдан қолган бўлиши мумкинлиги, ҳозирда қилган ишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволи оғирлигини, ҳисобга олиб, жазо тайинлашда енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар [REDACTED] суд мажлисида, АТ “Халқ банки” Тошкент вилояти минтақавий маркази жисмоний шахсларни муаммоли кредитлари билан ишлаш бошқармаси бош юрист консули вазифасида ишлаб келиши, лавозим йўриқномаси бўйича вазифаларига банкнинг муаммоли кредитларини қайтариш, судларда банк манфаатини ҳимоя қилиш, ижро ишларида қатнашиш, жисмоний ва юридик шахслардан банк фойдасига ундирув ишлари билан шуғулланиш ва бошқа вазифалар кириши, АТ Халқ банки Юқоричирчиқ туман филиали мижози Юқоричирчиқ туманидан рўйхатдан ўтган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида қурилиш ишларини яқунлаш ва ва жиҳозлаш учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 21 фоиз (шундан 5 фоиз Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш шарти билан) устама ҳақи тўлаш шарти билан 1.470.000.000 сўм кредит маблағлари ажратилганлиги, ушбу кредит маблағлари банк маблағлари ҳисобидан ажратилганлиги, кредит маблағлари собиқ банк ходими И.Куйлиевга бириктирилган логин пароль орқали чиқарилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ



раҳбари С.Алиев томонидан 2021 йил 22 октябрда имзоланган ариза ҳамда тартибнинг 17-бандида қайд этилган ҳужжатлар банкка тақдим қилинганлиги, “IDEAL PRICE CONSULTING” МЧЖнинг 2021 йил 28 майдаги 834-сонли баҳолаш ҳисоботиغا асосан 3.613.443.000 сўмга баҳоланган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва “Империя Мясо” МЧЖнинг 200.000.000 сўмлик кафиллик шартномаси ҳамда “Ўзагросуғурта” СКнинг 175.000.000 сўмлик кредит қайтармаслик хатари суғурта полисини гаровга тақдим этилиши кўрсатилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар банк филиали юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси [REDACTED] томонидан кўриб чиқилганлиги ва кредит йиғма жилди шакллантирилганлиги, ҳозирда “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ томонидан АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиалига жами бўлиб, 1.470.000.000 сўм миқдорда давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2018-2020 йилларда АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали бошқарувчиси ўринбосари вазифасида ишлаганлиги, унинг лавозим йўриқномаси бўйича ўз вазифаларига мижозларга хизмат кўрсатиш, жисмоний ва юридик шахсларга ажратилган кредитнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш, касса амалиётини назорат қилиш, банкоматларни назорат қилиш, фуқароларнинг пенсия таъминотини назорат қилиш ва бошқа вазифалар кирганлиги, АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали мижози Юқоричирчиқ туманидан рўйхатдан ўтган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида қурилиш ишларини яқунлаш ва ва жиҳозлаш учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 21 фоиз (шундан 5 фоиз Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш шарти билан) устама ҳақи тўлаш шарти билан 1.470.000.000 сўм кредит ажратилганлиги, бу кредит банк маблағлари ҳисобидан ажратилганлиги, кредит маблағлари собиқ банк ходими И.Қуйлиевга бириктирилган логин пароль орқали чиқарилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари [REDACTED] томонидан 2021 йил 22 октябрда имзоланган ариза ҳамда тартибнинг 17-бандида қайд этилган ҳужжатлар банкка тақдим қилинганлиги, “IDEAL PRICE CONSULTING” МЧЖнинг 2021 йил 28 майдаги 834-сонли баҳолаш ҳисоботиغا асосан 3.613.443.000 сўмга баҳоланган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва “Империя Мясо” МЧЖнинг 200.000.000 сўмлик кафиллик шартномаси ҳамда “Ўзагросуғурта” СКнинг 175.000.000 сўмлик кредит қайтармаслик хатари суғурта полисини гаровга тақдим этилиши кўрсатилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар банк филиали юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлими етакчи мутахассиси [REDACTED] томонидан кўриб чиқилганлиги, кредит йиғма жилди шакллантирилганлиги, бироқ бу даврда яъни АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали томонидан Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, “Булоқбоши” МФЙ ҳудудида ташкил қилинган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга жами 1.470.000.000 сўм кредит ажратилган



вақтда АТ “Халқ банки” Олмалик шаҳар филиалида ишлаганлиги, унинг ушбу кредит ажратилишига умуман алоқаси бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2011 ноябрь ойидан ҳозирги кунга қадар АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали шўъба мудирининг вазифасида ишлаб келаётганлиги, унинг лавозим йўриқномаси бўйича ўз вазифаларига кредитларни мониторинг қилиш, кредит ундириш юзасидан ҳужжатларни тўплаб тегишли судловга бериш ва бошқа вазифалар кирганлиги, АТ Халқ банки Юқоричирчиқ туман филиали мижози Юқоричирчиқ туманидан рўйхатдан ўтган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида қурилиш ишларини яқунлаш ва ва жиҳозлаш учун 36 ой муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан йиллик 21 фоиз (шундан 5 фоиз Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан қоплаб бериш шартининг билан) устама ҳақи тўлаш шартининг билан 1.470.000.000 сўм кредит ажратилганлиги, кредит банк маблағлари ҳисобидан ажратилганлиги, кредит маблағлари собиқ банк ҳодими [REDACTED] бириктирилган логин пароль орқали чиқарилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари [REDACTED] томонидан 2021 йил 22 октябрда имзоланган ариза ҳамда тартибнинг 17-бандида қайд этилган ҳужжатлар банкка тақдим қилинганлиги, “Ideal Price Consulting” МЧЖнинг 2021 йил 28 майдаги 834-сонли баҳолаш ҳисоботида асосан 3.613.443.000 сўмга баҳоланган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга тегишли Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Булоқбоши МФЙда жойлашган соғломлаштириш масканида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва “Империя Мясно” МЧЖнинг 200.000.000 сўмлик кафиллик шартномаси ҳамда “Ўзагросуғурта” СКнинг 175.000.000 сўмлик кредит қайтармаслик хатари суғурта полисининг гаровга тақдим этилиши кўрсатилганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ томонидан кредит олиш учун тақдим этилган ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар банк филиали юридик шахсларга хизмат кўрсатиш бўлимининг етакчиси мутахассиси И.Куйлиев томонидан кўриб чиқилганлиги ва кредит йиғма жилди шакллантирилганлиги, бу даврда АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали томонидан Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, “Булоқбоши” МФЙ ҳудудида ташкил қилинган “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга жами 1.470.000.000 сўм кредит ажратилган вақтида мунтазам равишда ўзи ва бошқа банк ходимлари томонидан мониторинг ишлари ўз вақтида амалга оширилганлиги, 2021 йил 25 октябрда АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиали томонидан Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, “Булоқбоши” МФЙ ҳудудидаги “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга жами 1.470.000.000 сўм кредит ажратилган бўлганлиги, “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖ раҳбари С.Алиевнинг танишининг, у билан ишда бўлган вақтида кредит ажратиш юзасидан ариза билан мурожаат қилган вақтида шунингдек, банк билан бирга гаров таъминотининг текшириш мақсадида мониторинг ишларининг амалга оширган вақтида кўришганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳлар [REDACTED]

[REDACTED] дастлабки терговда берган кўрсатувлари тарафлар розилигининг билан суд мажлисида ўқиб эшиттирилди.

Булардан ташқари, судланувчилар [REDACTED] айби дастлабки суриштирув ва дастлабки терговда тўпланган текширув далолатномалари, мониторинг текширув далолатномаси (ж.и. 1-ж. 9-47,93-97,146-151-в.), банкдан олинган маълумотномалар билан ҳам тўлиқ исботланади.



Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар [REDACTED]

сохталаштирувчилар ўзлари фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни, яъни “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга олинган кредит маблағларини “Qurilish saralash savdo” МЧЖ, ”Istara silver savdo ” ХК, “Parkent Savdo center” МЧЖ ва “Eco polymer packets” МЧЖларнинг ҳисоб рақамига тушириб, гўёки товар ва хизматлар кўрсатилганлигига оид сохта ҳисоб фактуралар расмийлаштирган ҳолда имтиёзли кредит маблағларини нақдлаштирилиб, АТ “Халқ банки” Юқоричирчиқ туман филиалидан олинган жуда кўп миқдорда бўлган 1.470.000.000 сўм кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жинойий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан судланувчилар [REDACTED] ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан ортиқча малакаланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддасига мувофиқ, суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 415-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисмида, сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш учун ҳамда 3-қисмида, ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш учун жавобгарлик назарда тутилган.

Қонун мазмунига кўра, расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) тайёрлаш - бу асл ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкаси) нусхаларини ғайриқонуний тайёрлаш ёки уларни аслида мавжуд бўлмаган юридик шахс ёки фуқаролар номидан норматив ҳужжатларда ўрнатилган талабларни бузган ҳолда тайёрлаш, шунингдек, айтиб ўтилган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига уларнинг ҳуқуқий мақомини ўзгартирувчи тузатишлар, ўзгартиришлар, қўшимчалар ва ҳоказоларни киритиш ҳисобланади.

Қонун мазмунига кўра, расмий ҳужжатни (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкасини) қалбакилаштириш - бу асл ҳужжатнинг (корхона, муассаса, ташкилот штампи, муҳри, бланкаси) мазмуни ёки шаклини тўлиқ ёки қисман ғайриқонуний модификация қилиш (ўзгартириш), қалбакилаштириш ўчириш, қўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни) нинг бир қисмини йўқ қилиш, қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан содир этилиши мумкин (масалан, паспортга хорижга чиқиш рухсатини берадиган стикернинг қалбакисини ёпиштириш) лиги тушунилади.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчилар [REDACTED] томонидан банкдан олинган кредит маблағини ўзлаштириш учун ўзлари фойдаланиши мақсадида бошқа қурилиш маҳсулотлари етказиб берувчи, яъни таъминотчи МЧЖлардан гўёки маҳсулотлар олинганлиги ҳақида муайян ҳуқуқ берадиган



расмий ҳужжатлар ҳисобланган ҳисоб фактураларни (юк хатлари) сохталаштириш йўли билан тайёрлаб ва банкдан олинган кредит маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек, улар ўзларининг ниятларига эришиш йўлида расмий ҳужжатларни тайёрлаб ва ўзлари томонидан сохталаштирилган ушбу сохта расмий ҳужжатлардан банкдан олинган кредит маблағини ўзлаштириш мақсадида фойдаланишган бўлиб, олдиндан бошқа шахс томонидан тақдим қилинган қалбакилаштирилган расмий ҳужжатларни ёки тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда ўчириш, қўшиб ёзиш, тузатишлар киритиш ҳамда мазмуни (матни) нинг бир қисмини йўқ қилиш, қўшимча маълумотларни киритиш йўли билан била туриб содир этилиши ҳолатлари бўлмаган.

Бундай ҳолатда, суд юқорида қайд этилган Қонун мазмунига ва аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчилар [REDACTED] сохталаштирувчи ўзлари томонидан банкдан олинган кредит маблағини ўзлаштириш учун фойдаланиш мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни тайёрлаши Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисми дипозицияси билан қамраб олинишини эътиборга олиб, уларнинг ҳаракатида ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш жиноятини содир этганлиги ортикча малакаланганлиги сабабли айбловларидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисмини чиқариб ташлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 467-моддасига биноан, судланувчилар [REDACTED] нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига мувофиқ, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасига асосан, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги, жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Ушбу кодекс 8-моддасига кўра, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” 1-сонли қарори 3-бандига мувофиқ, ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

- 15-бандида, судларга жарима тариқасидаги жазо турини нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар, балки оғир жиноятлар



содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатан ҳам, агар бу жазо қонун санкциясида назарда тутилган бўлса, кенгроқ қўллаш тавсия этилиши,

- 16-бандида, жарима тариқасидаги жазо тайинланганда ҳукмнинг қарор қисмида жарима миқдори билан бир қаторда унинг жиноят содир этилган вақтдаги энг кам ойлик иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланган, пул бирлигида ифодаланган жами суммаси ва жарима тариқасидаги жазони тайинлаш ва миқдорини белгилашда суд, одатда, унинг амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиқиши лозим. Бунда, чунончи, судланувчининг моддий аҳволи, шунингдек қарамоғида вояга етмаган фарзандлари, кекса ота-онаси борлиги ва ҳ.к.лар инобатга олиниши лозимлиги;

37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳамда ушбу бандни 3-қисмида, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони энгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (*масалан, моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.*) лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Одил судловни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларини тўғридан-тўғри қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 16-сонли қарори 6-бандига биноан, судлар конституциянинг 20-моддаси талабларидан келиб чиқиб, шахсга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклигини инобатга олишлари зарур.

Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни ҳуқуқбузарликнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддасининг 4-қисмига мувофиқ, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Суд, ушбу жиноят иши бўйича дастлабки терговда судланувчилар [REDACTED] ва [REDACTED] томонидан “Sohibkor Nurbuloq” МЧЖга кафилиқ шартномасига асосан Тошкент шаҳар АТ “Халқ банки” бош амалиётлар бошқармасига ҳисобига 1.470.000.000 сўм тўланиб ва етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини эътиборга олишни лозим деб ҳисоблайди (*ж.и. 2-ж. 45-47-в.*).

Суд, юқорида қайд этилган Конституция ва Қонунда талабларига ҳамда Пленум қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, судланувчиларга жазо тури ва меъёрини белгилашда:



- [REDACTED] шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳволини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилиб ва қопланганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар ва унинг жиноятни ғаразли (*моддий ёки бошқа мулкий йўсиндаги фойда олиш*) мақсадларда содир қилишини жазосини қисман оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, уни жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлари жиноятини ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолат эканлигини эътиборга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, моддий ва оилавий аҳволига кўра амалда тўлана олиниши имкониятидан келиб чиққан ҳолда оғир жинояти учун моддаси қисмида назарда тутилган жарима жазосини энг кам миқдоридан ҳам камроғини ва унча оғир бўлмаган жинояти учун моддасида назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жарима (*жиноят содир этган 2021 йил октябрь ойида базавий ҳисоблаш миқдори 270.000 сўм ҳисобидан*) жазосини жиноятлар мажмуига кўра ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил тайинлашни;

[REDACTED] оилавий аҳволи оғирлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилиб ва қопланганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар ва унинг жиноятни ғаразли (*моддий ёки бошқа мулкий йўсиндаги фойда олиш*) мақсадларда содир қилишини жазосини қисман оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, етказилган зарарни ўрни қопланганлигини эътиборга олиб, унга нисбатан жиноят содир этган моддалари қисмида назарда тутилган ахлоқ тузатиш жазосини ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинлаб ва ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Бандихон туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталган қисмини қисман кўшиш йўли билан узил-кесил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасининг 5-қисмига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмайди, бундан одам ўлишига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳоллар мустасно.

Суд, мазкур Қонун талабига риоя қилиб, судланувчилар [REDACTED] тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганлиги сабабли уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўлламасликни ва кўшимча жазо тариқасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазони тайинламасликни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26, 454-460, 463, 465, 472, 473-моддаларига амал қилиб,

#### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.



Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 180 баравари миқдорда 48.600.000 сўм жарима тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорда 13.500.000 сўм жарима тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари миқдорда 54.000.000 сўм жарима тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг унга нисбатан дастлабки терговда қўлланилган эҳтиёт чораси гаров бекор қилинсин ва Тошкент вилояти Прокуратурасининг “Агробанк” АТБ Ўртачирчиқ туман филиалидаги депозит рақамига қўйилган 7.500.000 сўм гаровга қўювчи қайтарилсин.

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди, 228-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан иш ҳақининг 10 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 1 (бир) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 8-қисми, 61-моддаси тартибида, жиноятлар мажмуи бўйича тайинланган жазо муддатига жиноят ишлари бўйича Бандихон туман судининг 2023 йил 26 декабрдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталган қисмини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 5 (беш) йил 2 (икки) ойга озодликдан маҳрум қилинсин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ тайинлансин.

Жазони ўташ муддати 2023 йил 5 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси қамоққа олиш аслича қолдирилсин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикояти ва протест ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкумлар ва фуқаролик даъвогари томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида ёки кассация шикояти ва протест ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи (имзо)

Нусхаси аслига тўғри:

